



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-496

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

Термиз тумани “Каттақум” массиви  
“Учқизил” маҳалласи худудидан  
“UHQIZIL FAYZ QURILISH” МЧЖга  
иссиқхона қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 12 августдаги 05-02/532-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 15 июлдаги 01-08/292-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 12 августдаги 05-02/532-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан “UHQIZIL FAYZ QURILISH” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 5к-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,5 балл бонитетли жами 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “UHQIZIL FAYZ QURILISH” МЧЖ раҳбари Ж.Буруновга:  
ажратиладиган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида(surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов